

ДАРОМАД ВА РАЎБАТЛАРГА ОИД ЙЎРИҚНОМА



ЗАВҚЛАНИБ ЯШАШНИ БОШЛАНГ!

Ўз фаолиятимизни сизнинг завқланиб яшашингизга қўмаклашиш учун бошладик!

Энг КАТТА вазифамиз эса Ҳамкорларингизни салмоқли даромад ва рағбатлар олиш имконияти билан қўллаб-қувватлаб туришдир.

СИЗНИНГ INCRUISES САЁҲАТИНГИЗ 5 РАҚАМИДАН КУЧ ОЛАДИ

5 Мажбурият
5 Даромад тури
5 Рағбат

5 МАЖБУРИЯТ

- Бизнинг биринчи ва асосий кадриятимиз - сизнинг муваффақиятингиздир!**
Сиз inCruises оиласининг аъзосига айландингиз ва энди сизнинг орзуларингиз биз учун катта аҳамиятга эга! Сизнинг Клубга Аъзолигингиз, компенсация ва бизнес дастурингиз жаҳон миқёсида фойда келтиришини таъминлаш устида тинимсиз ишлаймиз. Бундан ташқари, энг замонавий технологиялар билан сизнинг бизнесингизни қўллаб-қувватлаб турамыз.
- Шаффофлик** - Биз Клубга Аъзолик ва Ҳамкорлик дастурларимиз борасида юқори даражада шаффоф бўлишга интиламиз. Сиз қаерда турганингизни ва ўзингиз истаган нарсага inCruises орқали қандай эришиш мумкинлигини аниқ тасаввур эта олишингиз учун биз вазиятдан хабардор қилиш ва уни осонлаштириш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламыз.
- Ҳамкорлар вакили** - Муҳим корпоратив қарорларни қабул қилишда биз **“Board of Directors”** деб атайдиган юқори рангдаги етакчилар билан ҳамкорлик қиламыз.
- Барқарорлик** - Сизнинг Ҳамкорлик имкониятларингиз барқарорлиги ва мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга. Биз шартларга ва компенсацияга зарур бўлмаган ўзгартиришлар киритишдан йироқмиз. Агар компенсация янгиланса, албатта сизга олдиндан хабар берилади. Ўзгаришлар кучга кирмасидан аввал улар билан танишиб чиқиш учун етарли вақтингиз бўлади.
- Сизнинг бизнесингиз - бу Сизнинг бизнесингиз** - Мустақил пудратчи сифатида сиз ўз бизнесингизни ўзингиз истагандек, ўзингиз истаган жойдан туриб, ўзингиз истаган инсонлар билан бирга юритишингиз мумкин, фақатгина бизнинг Сиёсат ва жараёнлар қўлланмамиз ҳамда ўз маҳаллий қонун-қоидаларингизга риоя этган ҳолда албатта.

Етакчи Ҳамкор сифатида сизни inCruises да ҳақиқий профессионал бўлишга чорлаймиз. Сиздан Клубнинг Аъзолик маҳсулоти ва Ҳамкорлик имкониятларини батафсил билишингизни кутиб қоламиз. Сиз ва жамоангиз маҳаллий ва Минтақавий тadbирлар ташкиллаштириш каби жамоа куриш фаолияти учун масъулдирсиз. Жамоангиз гуллаб-яшнаши ва динамик тарзда ўсиши учун уларни эътироф этиш ва мукофотлашга доир қўшимча дастур яратишингизни кутиб қоламиз.

МУВОФИҚ КОМПЕНСАЦИЯ

Имкониятларингиз узоқ вақт фойда келтиришини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўришимизга ишончингиз комил бўлсин. Маҳсулотимиз ва имкониятларимизни иштиёқ билан тарғиб қилар эканмиз, уни қонун-қоидаларга мувофиқ амалга оширамиз.

Ушбу мақсадда биз **Бизнес имкониятларига оид маълумотлар**ни ишлаб чиқдик. Унда биз бизнес имкониятларимизни қонуний тақдим этиш ва фаолиятимизнинг ҳар жабҳасида талабларга жавоб бериш учун тўғридан-тўғри сотув саноатидаги энг яхши тажрибаларни қандай татбиқ этишимизни аниқ таъкидлаб ўтганмиз. Ҳамкор сифатида, қандай қилиб ўз фаолиятингизни ушбу қоидаларга мувофиқ олиб боришдан хабардор бўлишингиз шарт.

Татбиқ этилган энг яхши тажрибалар ҳақида қисқача:

- Мижозларимиз (биз уларни Аъзолар деб атаймиз) ва вакилларимиз (биз уларни Ҳамкорлар деб атаймиз) орасида фарқ бор. Истаган инсон Аъзо бўлиши мумкин, бу билан у автомат тарзда Ҳамкорга айланиб қолмайди. Баъзи Аъзолар Ҳамкор бўлишни истамайдилар, худди шунингдек, баъзи Ҳамкорлар Аъзо бўлишни истамайдилар. Тушунмовчиликлар юзага келмаслиги учун харажатлар ва жараёнлар ҳам фарқлидир.
- Биз Ҳамкорлардан комиссиялар ва бонуслар олиш учун inCruises Аъзолик маҳсулотини харид қилишини талаб ЭТМАЙМИЗ.
- Биз Ҳамкорларга янги Ҳамкорларни жалб этганлари ва уларга ҳомийлик қилганлари учун пул тўламаймиз. Комиссиялар ва бонуслар ФАҚАТГИНА Аъзолик маҳсулоти сотувига асосланиб тўланади.
- Биз Ҳамкорларимиздан бизнинг Аъзолик маҳсулотимизни унинг мисли кўрилмаган фойдалари ва афзалликлари учунгина харид қиладиган миждозларга сотишни талаб қиламиз, бунинг учун ўқитамиз ва пул тўлаймиз.
- Биз доим имкониятдан келиб чиқадиган потенциал даромад ҳақида тўғри маълумот берамиз. Ҳамкорларимизга тахминий даромад жадваллари ёки мисолларидан фойдаланишни тақиқлаймиз. Бизнес билан таништириш учун ишлаб топган компенсацияларини намойиш этишни тақиқлаймиз.

5 ДАРОМАД ТУРИ

5 даромад манбаидан даромад олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун Ҳамкорлар:

- **Ҳар 6 ойда 95\$ Ҳамкорликни узайтириш тўловини тўлашлари шарт.** Сиз Ҳамкорликни узайтириш тўлови тўланмасдан ўтказиб юборилган давр учун даромад даъво қила олмайсиз.

ИЗОҲ: Ушбу шарҳда келтирилган тўловлар, бонуслар ва ишлаб чиқаришга қўйилган талаблар кўринишидаги барча пул қийматлари АҚШ долларарида (USD) кўрсатилган.

- **Marketing Director ва ундан юқори рангдаги Ҳамкорлар шунингдек маълум давр мобайнида талаб этилган миқдордаги Аъзоларни фаоллаштириб, Шахсий Фаоллик минимал талабларини бажаришлари шарт.**

Фаоллик	Муддат
1	Ўтган 30 кун ичида
3	Ўтган 90 кун ичида
6	Ўтган 180 кун ичида
12	Ўтган 365 кун ичида

(Board of Directors рангидаги
Ҳамкорлар ушбу шартдан озод
этилган)

БИРИНЧИ НАВБАТДА

Сиз учун inCruises даромадингиз оқимини кўпайтириш ва сақлаб қолиш учун асосий қувват манбаи - Аъзолар Фаоллигидир. Давомий Фаоллик – сизнинг inCruises Ҳамкорлик имкониятларингизга ҳаётий куч бағишловчи булоқ сувидир.

1. ФАОЛЛИК БОНУСЛАРИ

inCruises да биз янги Аъзоларни рўйхатга олиш, обуна қилиш ёки уларга ҳомийлик қилишни ва нофаол Аъзоларни қайта фаоллаштиришни Фаоллик ёки Фаоллаштириш деб атаيمиз. Фаоллик ва Қайта фаоллик компенсация режаси учун бир хил ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда Фаоллик сўзи учраса, демак унда иккиси ҳам назарда тутилган.

Шахсий Фаоллик учун икки хил бонуслар мавжуд. Булар қуйида келтирилган Кунлик Фаоллик бонуси ва Ойлик Фаоллик бонусидир.

КУНЛИК ФАОЛЛИК БОНУСИ

Ҳар сафар шахсан Аъзо фаоллаштирганингизда inCruises ҳамёнингизга 20\$ Кунлик Фаоллик бонуси тушади. Одатда бу Фаолликдан сўнг 24 соат ичида амалга оширилади.

ИЗОҲ: Кунлик Фаоллик бонуси бирорта Аъзо ёки Ҳамкор Аъзо Клубга Аъзоликни фаоллаштирганда тўланади. Компенсация тўлаш учун иккиси ҳам Аъзо Фаоллиги ҳисобланади.

ОЙЛИК ФАОЛЛИК БОНУСИ

Агар бир календарь ойида жами иккитадан кўп Аъзони фаоллаштирсангиз, ўша ойда барча шахсий Фаолликлар учун қўшимча бонуслар ишлаб топишингиз мумкин.

ОЙЛИК ЖАМИ	БОНУС СУММАСИ
3-4 Аъзо Фаоллиги	Ҳар бир Фаоллик учун 20\$
5-9 Аъзо Фаоллиги	Ҳар бир Фаоллик учун 30\$
10+ Аъзо Фаоллиги	Ҳар бир Фаоллик учун 40\$

Агар бир ойда 10+ Аъзоларни фаоллаштирсангиз, ўша ой учун қўшимча 250 (1 га 1) Бонус балларини кўлга киритасиз! Улар ойлик Фаоллик бонуси тўланганда автомат равишда (1 га 1) Бонус баллари балансингизга қўшилади.

Сизнинг Ойлик Фаоллик бонусингиз жами суммаси ҳар бир табиий календарь ойидаги жами шахсий Фаолликлар умумий сонига боғлиқ, шундай экан, ҳар ойда имкон қадар кўпроқ Аъзоларни фаоллаштиринг!

Мисол учун: Сиз бир календарь ойида жами 5 нафар Аъзони фаоллаштирдингиз. Сиз 100\$ (20\$x5) Кунлик Фаоллик бонуси + 150\$ (30\$x5) Ойлик Фаоллик бонуси кўринишида жами 250\$ ишлаб топасиз.

Шунингдек, Аъзоликнинг ойлик даври охирига қадар фаол тўловчи 5 нафар тўғридан-тўғри Аъзоларингиз бўлса, сиз **БЕПУЛ АЪЗОЛИК РАҒБАТИ**га эга бўласиз.

ИЗОҲ: Агар Аъзо маблағларини қайтариб олса, Кунлик Фаоллик бонуслари ва Ойлик Фаоллик бонуслари ҳам қайтариб олинади.

Ойлик Фаоллик бонуси ишлаб чиқариш амалга оширилганидан кейинги ойнинг 8-санасида тўланади.

2. ҲАФТАЛИК МУВОФИҚЛИК БОНУСИ

Шахсий Фаоллик учун олган бонусларингиздан ташқари сиз шунингдек тўғридан-тўғри Ҳамкорларингизнинг Фаоллик бонусларига тенг суммада Ҳафталик Мувофиқлик бонусини ҳам ишлаб топишингиз мумкин.

Тўғридан-тўғри Ҳамкорларингиз бир ҳафтада камида 3 та Фаолликни амалга оширса, сиз ўша ҳафтада уларга тўланадиган Кунлик Фаоллик бонуси + Ойлик Фаоллик бонусига 100% МУВОФИҚ суммани ишлаб топишингиз мумкин.

Ушбу бонусларни олиш учун сиз ўша ҳафтада камида 1 нафар Аъзони фаоллаштиришингиз зарур.

Мисол учун: 2 июлдан 8 июлгача бўлган ҳафтада сиз шахсан 1 нафар Аъзони фаоллаштирдингиз ва сизнинг 2 нафар тўғридан-тўғри Ҳамкорларингиз жами 3 нафар Аъзоларни фаоллаштирди.

1-Ҳамкор 2 нафар Аъзони фаоллаштириб, 40\$ (20\$x2) Кунлик Фаоллик бонусини ишлаб топди.

Шунингдек, 1-Ҳамкор ўтган ойда 6 нафар Аъзони фаоллаштириб, 180\$ (30\$x6) Ойлик Фаоллик бонусини ишлаб топган эди, ва ушбу бонус 8 июлда тўланиши лозим.

2-Ҳамкор сўнги ҳафтада 1 нафар Аъзони фаоллаштириб, 20\$ Кунлик Фаоллик бонусини ишлаб топди.

Шунингдек, 2-Ҳамкор ўтган ойда 4 нафар Аъзони фаоллаштириб, 80\$ (20\$x4) Ойлик Фаоллик бонусини ишлаб топган эди, ва ушбу бонус 8 июлда тўланиши лозим.

Ушбу ҳафтада сиз ҳам шахсан 1 нафар Аъзони фаоллаштирганингиз учун, ва тўғридан-тўғри Ҳамкорларингиз ўша ҳафтада камида 3 нафар Аъзони фаоллаштирганлари учун сиз 320\$ Ҳафталик Мувофиқлик бонусини ишлаб топасиз! (220\$ - 1-Ҳамкор учун + 100\$ 2-Ҳамкор учун).

Ҳафталик Мувофиқлик бонуслари ҳар душанба кuni ўтган ҳафтадаги ишлаб чиқаришга асосланиб тўланади. Тўлиқ ҳафта эса душанба соат 00:00 дан якшанба соат 23:59 гача деб белгиланган (UTC Time – Бутунжаҳон мувофиқлаштирилган вақти билан).

Ҳамкорлар тўловни текшириш ишлари сабабли ўша белгиланган ҳафта учун Ҳафталик Мувофиқлик бонусларини ололмаган ҳолатларда, тўлов тасдиқланиши билан inCruises Ҳамкорларга бонусни кейинги ҳафтада тўлайди.

Агар сизнинг Мувофиқлик бонусларингиз учун ҳисобланган тўловлар маблағларни қайтариш кўринишида қайтариб олинса, Ҳафталик Мувофиқлик бонуслари ҳам қайтариб олинади.

ЖАМОАНИ ЎСТИРИНГ + РАНГЛАРГА ЭРИШИНГ = КЎПРОҚ ПУЛ ИШЛАБ ТОПИНГ

Сиз ва Ҳамкорларингиз Аъзоларни фаоллаштириб, ушлаб турсангиз, Квалификацион ишлаб чиқариш яратасиз. Квалификацион ишлаб чиқаришнинг маълум даражаларига эришиш учун inCruises рангларига эришиш ва ушлаб туриш ҳамда ушбу рангларга тегишли Даромадни олиш ҳуқуқига эга бўлиш лозим.

Квалификацион ишлаб чиқариш сиз эришган Ранг бўйича **40% қондаси** татбиқ этилганидан сўнг ҳисобга олинadиган ишлаб чиқариш ҳажмидир. Бу ерда қўлланилганида, ушбу қоида битта Ҳамкор жамоасидан янги рангга эришиш учун зарур бўлган ҳажмнинг 40%и олинганини таъминлайди.

Мисол учун: Marketing Director (MD) учун зарур Квалификацион ишлаб чиқариш 3000\$, яъни сиз эришиб турган ранг учун ҳар қандай БИТТА Ҳамкор жамоасидан ҳисобга олинadиган максимум Квалификацион ишлаб чиқариш 1200\$. (3000\$ x 40% = 1200\$)

ИЗОҲ: “БЕПУЛ” деб белгиланган БЕПУЛ Аъзолик тўловлари, ҳисоб Аъзо томонидан тўланмагани учун, сизнинг Квалификацион ишлаб чиқаришингизга киритилмайди.

Marketing Director рангига эришиш сизнинг inCruises Ҳамкори сифатидаги фаолиятингиздаги муҳим қадам бўлиб, у сизга Жамоа етакчилиги бонуси ва Даврий даромад олиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, Marketing Director ёки ундан юқори рангга эришсангиз ва камида 3 маротаба Жамоа етакчилиги бонусини ишлаб топсангиз, сиз круиз нархини тўлиқ Бонус балларидан фойдаланиб тўлаш ҳуқуқини берувчи **“Элита саёҳат афзаллиги”**га эга бўласиз. Батафсил маълумот учун **[ЭЛИТА САЁХАТ АФЗАЛЛИГИ](#)** бўлимига қаранг.

3. ЖАМОА ЕТАКЧИЛИГИ БОНУСИ

Жамоа етакчилиги бонуси (TLB) янги Рангга эришиш ва Жами Фаоллик ҳажмини рағбатлантиради

Жами Фаоллик ҳажми атамаси сизнинг ва бутун жамоангизнинг Фаоллик ҳажмини англатади.

Сиз эришадиган ранг ва эҳтимолий Жамоа етакчилиги бонусингиз Квалификацион ишлаб чиқаришга боғлиқ. Тўлиқ Жамоа етакчилиги бонусингизни олиш учун сиз қуйидаги жадвалда кўрсатилган Жами Фаоллик ҳажми талабларига жавоб беришингиз ёки ундан оширингиз шарт.

Ранг	Квалификацион ишлаб чиқариш	Жами Фаоллик ҳажми	Жамоа етакчилиги бонуси
Marketing Director	\$3,000	\$600	\$300
Senior Marketing Director	\$10,000	\$2,000	\$1,000
Regional Director	\$25,000	\$5,000	\$2,500
National Director	\$50,000	\$10,000	\$5,000
International Director	\$100,000	\$20,000	\$10,000
Executive Director	\$250,000	\$50,000	\$25,000
Board of Directors	\$550,000	\$110,000	\$55,000
Ambassador BOD		\$1,000,000	\$155,000
Royal Ambassador BOD		\$2,000,000	\$255,000

Мисол: Сиз жамоасининг ойлик сотув ҳажми 26,500\$ га етган Regional Director рангидасиз. Бунга жами Фаоллик ҳажмидан 28 Фаоллик/5,600\$ киради. Сиз Regional Director учун белгиланган 2,500\$ Жамоа етакчилиги бонусини тўлиқ оласиз.

Ambassador Board of Directors (ABOD) = BOD рангига эришинг + ЯНГИ Фаоллик ҳажмини 1,000,000\$ га етказинг + бонус тўлови вақтида камида 5 нафар тўғридан-тўғри International Director ёки ундан катта директорларингиз бўлсин.

Royal Ambassador Board of Directors (RABOD) = BOD рангига эришинг + ЯНГИ Фаоллик ҳажмини 2,000,000\$ га етказинг + бонус тўлови вақтида камида 5 нафар тўғридан-тўғри Executive Director ёки ундан катта директорларингиз бўлсин.

Квалификацияни ушлаб турган ҳар бир ой учун Ambassador Board of Directors 100,000\$ ва Royal Ambassador Board of Directors 200,000\$ бонус олади (55,000\$ миқдордаги Board of Directors бонусига қўшимча равишда).

Агар жамоангиз билан биргаликда жами Фаоллик ҳажми талабига жавоб бера олмасангиз-чи?

Marketing Director

Агар Квалификацион ишлаб чиқариш бўйича Marketing Director бўлсангиз, аммо сиз ва жамоангиз 3 нафардан КАМ (0, 1 ёки 2 нафар) Аъзони фаоллаштирган бўлсангиз, сизга Marketing Director ранги/мақоми/значоги берилади, аммо сиз Жамоа етакчилиги бонусини олмайсиз. **ИЗОҲ:** Сиз Даврий даромад ва рағбатлар олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Senior Marketing ва ундан юқори директорлар

Агар Квалификацион ишлаб чиқариш бўйича Senior Marketing Director ёки ундан юқори рангга эришсангиз, аммо сиз ва жамоангиз 3 ва ундан КўПРОҚ, аммо тўлиқ Жамоа етакчилиги бонуси учун етарли бўлмаган миқдордаги Аъзоларни фаоллаштирган бўлсангиз, сиз Жамоа етакчилиги бонусининг 50%ини оласиз. **ИЗОҲ:** Сиз Даврий даромад ва рағбатлар олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Мисол учун: Сиз Квалификацион ишлаб чиқариш ҳажми 30,000\$ га етган Regional Director рангидасиз. Шунингдек сиз ва жамоангиз 10 Фаоллик/2000\$ Жами Фаоллик ҳажмини яратдингиз (бу тўлиқ RD ЖЕБ олиш учун зарур бўлган 5000 дан кам). Сиз RD учун белгиланган тўлиқ Жамоа етакчилиги бонусининг 50%и, яъни 1250\$ ишлаб топдингиз.

Агар Квалификацион ишлаб чиқариш ҳажми Senior Marketing Director ёки ундан юқори

ранг учун етса, аммо сиз ва жамоангиз 3 нафардан кам (атиги 0, 1 ёки 2 нафар янги) Аъзони фаоллаштирган бўлсангиз, сиз фақатгина Marketing Director рангига эришасиз. Сиз Жамоа етакчилиги бонусини олмайсиз. **ИЗОҲ:** Сиз Даврий даромад ва рағбатлар олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Жамоа етакчилиги бонуслари Фаол Ҳамкорларга ҳар ойнинг 10-санасида, аввалги ой ишлаб чиқариши учун автомат тарзда тўланади. Ҳамкор Етакчилар ушбу бонусни олиш учун ўша вақтда Фаол Ҳамкор мақомига эга бўлишлари шарт. Ҳамкорлик мақомингиз ва унинг тугаш муддатини ўз Ҳамкорлик кабинетингиз бош саҳифасида ва Компенсация саҳифасида кўришингиз мумкин. Агар ойнинг бонуслар тўланадиган 10-санасида Фаол бўлмасангиз, сизга бонусингиз тўланмайди ва бутунлай йўқолади. Илтимос, ҳар ой Жамоа етакчилиги бонусингизни олиш ҳуқуқига эга эканлигингизга ишонч ҳосил қилиш учун Фаол Ҳамкорлик мақомингизни текшириб турунг. Агар Аъзо маблағларини қайтаришни сўраса, ва бу сизнинг Квалификацион ишлаб чиқариш ёки Жами Фаоллик ҳажмингизни мазкур бонусни олиш учун талаб этилган даражадан туширса, Жамоа етакчилиги бонуслари тўлиқ ёки қисман қайтариб олинади.

4. ДАВРИЙ ДАРОМАД

inCruises нинг рангга эришган барча етакчилари ҳар 100\$ Даврий квалификацион ишлаб чиқаришдан (RQP) камида 5\$ ишлаб топадилар.

Даврий квалификацион ишлаб чиқариш 40% қоидасига риоя этган ҳолда, сиз ва Ҳамкор жамоангизнинг умумий даврий ишлаб чиқариши асосида ҳисобланади. Бу ерда қўлланилганида, ушбу қоида битта Ҳамкор жамоасидан янги рангга эришиш учун зарур бўлган ҳажмининг 40%и олинишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш Квалификацион ишлаб чиқариш каби 40% қоидасини қўлласа-да, у алоҳида, қуйидаги жадвалда келтирилган Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳар қандай Ҳамкорингиз жамоасидан йўл қўйилган максимум Даврий Квалификацион ишлаб чиқаришга мувофиқ ҳисобланади

Даврий квалификацион ишлаб чиқариш								
Ҳажм	<\$3,000	\$3,000 дан \$9,900 гача	\$10,000 дан \$24,900 гача	\$25,000 дан \$49,900 гача	\$50,000 дан \$99,900 гача	\$100,000 дан \$249,900 гача	\$250,000 дан \$549,900 гача	\$550,000
Ҳар бир қўлдан максимум RQP - (40% қоидаси)	\$1,200	\$1,200	\$4,000	\$10,000	\$20,000	\$40,000	\$100,000	\$220,000

Ҳар бир қўлдан йўл қўйилган Даврий Квалификацион ишлаб чиқаришни ошириш учун етакчи талаб этилган Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш ҳажмига эришиши ёки ундан ошиши шарт.

Мисол учун: Бевосита даврий ишлаб чиқариши 1000\$ бўлган ва қуйидаги даврий ишлаб чиқаришга эга учта Ҳамкор жамоаси бўлган етакчини кўриб чиқайлик. 1-Жамоа: 5000\$, 2-Жамоа: 4000\$, 3-Жамоа: 700\$.

Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш ҳажмига кўра ҳамда 40% қондаси татбиқ этилганида, 1 ва 2-жамоаларнинг ҳар биридан максимум Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш - 1200\$, 3-жамоадан – 700\$ ва бевосита даврий ишлаб чиқаришдан - 1000\$ уларнинг Даврий Квалификацион ишлаб чиқаришини 4100\$ га чиқариб, 205\$ Даврий даромад олиб келади.

1 ва 2-жамоалардан кўпроқ даврий ишлаб чиқаришга “эришиш” ва Даврий даромадини ошириш учун ушбу етакчи даврий ишлаб чиқаришни шахсий интилишлари, 3-жамоа ёки янги Ҳамкор жамоаларини ривожлантириб, Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш ҳажмини 10,000\$ чиқариши шарт.

ИЗОҲ: Аъзоликни фаоллаштириш ва inCruises томонидан “БЕПУЛ” деб белгиланган тўловлар Даврий даромад яратмайди.

Даврий даромадни кўпайтиргич

Ҳар 100\$ Даврий Квалификацион ишлаб чиқариш учун тўланган Даврий даромад суммаси Ранг соҳиби 9000\$ Қурувчилар базаси бонуси ишлаб топганида, куйидаги жадвалга мувофиқ ортади.

Даврий даромадни кўпайтиргич!	
Қурувчилар базаси бонуси	Даврий даромад (ҳар 100\$ даврий квалификацион ишлаб чиқариш учун)
0\$ дан 8,999\$ гача	5\$
9,000\$ дан 15,999\$ гача	6\$
16,000\$ дан 22,999\$ гача	7\$
23,000\$ дан 29,999\$ гача	8\$
30,000\$	9\$
Супер Қурувчилар базаси бонуси (30,000\$ + 1 нафар ID жамоаси)	10\$

BOARD OF DIRECTORS РАНГИДАГИ ЕТАКЧИЛАР УЧУН ИЗОҲ: Камида 5,850\$ Қурувчилар базаси бонусини ишлаб топган Board of Directors рангидаги Етакчилар камида 55,000\$ ойлик Даврий даромад ишлаб топадилар. Агар кўпроқ ишлаб топсалар, кўпроқ оладилар, аммо кам эмас.

5. ҚУРУВЧИЛАР БАЗАСИ БОНУСИ

Ушбу бонус (MD ва ундан юқори рангдаги) етакчиларни икки асосий ўсиш кўрсаткичи бўйича мукофотлайди: **Қурувчилар базаси ҳажми** ва **Бизнес сифати индекси (QBI)**.

Қурувчилар базаси ҳажми – сиз ва сиздан қуйи рангдаги, аммо National Director дан катта бўлмаган тўғридан-тўғри Ҳамкорларингиз жамоаси ишлаб чиқарган жами Фаоллик ҳажмидир. (International Director, Executive Director ва Board of Directors рангидагилар, сиздан қуйи рангда бўлса ҳам, Қурувчилар базасига кирмайди.)

Қурувчилар базангиз ҳажми қуйидаги даражаги етганида, сизга бонус сифатида Қурувчилар базангиз ҳажмидан тегишли фоиз тўланади.

Қурувчилар базаси ҳажми	Бонусда тўланадиган %
5,000\$-9,999\$	5
10,000\$-29,999\$	10
30,000\$+	30

Мисол учун: Сизнинг Қурувчилар базангиз Фаоллик ҳажми 9,600\$ га етди. Сиз ундан 5% оласиз. Эҳтимолий бонус суммаси - 480\$.

Мисол учун: Сизнинг Қурувчилар базангиз Фаоллик ҳажми - 100,000\$. Сиз ундан 30% оласиз. Эҳтимолий бонус суммаси - 30,000\$!

Супер Қурувчилар базаси бонуси

Қурувчилар базангиз ҳажмини 100,000\$ га етказиш ёки ундан ошириш орқали ойлик максимал 30 000\$ миқдоридаги Қурувчилар базаси бонусига эришсангиз ва камида бир нафар International Director жамоасига эга бўлсангиз, сиз Супер Қурувчилар базаси бонусини ҳам қўлга киритасиз. Ушбу бонус сизга қўшимча равишда Қурувчилар базангиз ҳажмининг 5% миқдорида тўланади, плюс Executive Director ва ундан юқори рангдагиларга International Director жамоасидаги Фаоллик ҳажми учун ҳам тўланади. Ҳа, жуда тўғри, агар сиз Executive Director ва ундан юқори рангда бўлсангиз ҳамда Супер Қурувчилар базаси бонусини олиш ҳуқуқини қўлга киритсангиз, Қурувчилар базангиз ҳажмидан қўшимча 5% BA International Director жамоангиз Фаоллик ҳажмидан ҳам 5% бонус ишлаб топасиз.

Бизнес сифати индекси (QBI) – сиз амалда қанча Қурувчилар базаси олишингизни аниқлайдиган фактор.

QBI сизнинг Қурувчилар базангиз томонидан фаоллаштирилган Янги Аъзоларнинг нечаси дастлабки ҳисоби очилганидан сўнг 90 кун ичида Фаол қолишини кузатиб боради.

Мисол учун: Сизнинг Қурувчилар базангиз 50 нафар Янги Аъзоларни фаоллаштирди ва уларга ҳисоб очилганидан сўнгги дастлабки 90 кунлик давр хали тугамади. Ушбу 50 нафар Аъзолардан 35 нафари Фаол, яъни уларда тўланмаган ҳисоб йўқ. Сизнинг QBI ушбу ҳолатда – 70%.

Агар Қурувчилар базаси бонуси тўланадиган вақтда сизнинг QBI 65% ёки ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса, сизга эҳтимолий Қурувчилар базаси бонусингиз дарҳол 100% тўланади.

Мисол учун: 15 сентябрда сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз 10,000\$ ни кўрсатмоқда. Ўша вақтда сизнинг QBI кўрсаткичи – 70%. Сизнинг QBI кўрсаткичи 65 ва ундан юқори фоизни кўрсатаётганлиги сабабли, сизга август ойи учун 10,000\$ Қурувчилар базаси бонуси тўланади.

Агар Қурувчилар базаси бонуси тўланадиган вақтда сизнинг QBI кўрсаткичи 65% дан паст бўлса, ўша вақтда қандай фоиз кўрсатишидан қатъи назар, у сизга амалда тўланадиган Қурувчилар базаси фоизини белгилайди.

Мисол учун: 15 сентябрда сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз 10,000\$ ни кўрсатмоқда. Ўша вақтда сизнинг QBI кўрсаткичи – 60%. 60% 65% дан паст бўлганлиги сабабли сизга август ойи учун мавжуд 10,000\$ Қурувчилар базаси бонусининг 60%и тўланади, яъни 6,000\$.

Сизга Қурувчилар базаси бонуси ойнинг 15-санасида тўланиши учун сизнинг QBI сиз олаётган Қурувчилар базаси бонусига тенг ёки кўпроқ Янги Аъзоларга асосланган бўлиши шарт.

Мисол учун: 15 сентябрда сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз сиз ва сизнинг Қурувчилар базангиз томонидан август ойида фаоллаштирилган 50 нафар Янги Аъзоларга асосланган. Сизнинг QBI фоизи Қурувчилар базангиз томонидан 15 майдан 15 августгача фаоллаштирилган 100 нафар Янги Аъзоларга асосланган, чунки ушбу Аъзоларга бир ёки бир нечта ҳисоб очилган. Сизнинг QBI Август ойидаги Қурувчилар базаси фаоллигидан (50) кўпроқ Янги Аъзоларга (100) асосланганлиги сабабли сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз дарҳол 15 сентябрда тўланади.

Сизнинг QBI Август ойидаги Қурувчилар базаси фаоллигидан (50) кўпроқ Янги Аъзоларга (100) асосланганлиги сабабли сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз дарҳол 15 сентябрда тўланади.

Мисол учун: 15 сентябрда сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз сиз ва сизнинг Қурувчилар базангиз томонидан август ойида фаоллаштирилган 75 нафар Янги Аъзоларга асосланган. Бироқ, сизнинг QBI фоизи сиз ва сизнинг Қурувчилар базангиз томонидан 15 майдан 15 августгача фаоллаштирилган атиги 50 нафар Янги Аъзоларга асосланган. Сизнинг QBI Август ойидаги Қурувчилар базаси фаоллигидан (75) камроқ Янги Аъзоларга (50) ҳисобланганлиги сабабли сизнинг август ойи учун Қурувчилар базаси бонусингиз 14 октябрда тўланади.

Агар қайсидир Аъзо маблағ қайтарилишини сўраса, ва бу Қурувчилар базангизнинг зарур бўлган Фаоллик ҳажмини камайтирса ёки QBI кўрсаткичини бонусингиз %ига таъсир этадиган даражада пасайтирса, Қурувчилар базаси бонуси қайтариб олинади.

ДАРОМАД ҚАЧОН ТЎЛАНАДИ?

- **Аъзони фаоллаштирганлик учун бонуслар**
 - **Кунлик Фаоллик бонуси:** Одатда Аъзо фаоллаштирилганидан сўнг 24 соат ичида тўланади.
 - **Ойлик Фаоллик бонуси:** Ўтган календарь ойидаги жами Фаоллик натижасига кўра, ҳар ойнинг 8-санасида тўланади.
- **Ҳафталик Мувофиқлик бонуслари:** Ҳар душанба эрталаб, якшанба соат 23:59 да тугаган ҳафтага асосланиб тўланади (UTC – Бутунжаҳон мувофиқлаштирилган вақти билан).
- **Жамоа етакчилиги бонуси:** Ҳар ойнинг 8-санасида*, ўтган календарь ойи натижаларига кўра тўланади.
- **Даврий даромад:** Ушбу бонусни олиш ҳуқуқига эга Ҳамкорларга, ҳар бир Аъзонинг иккинчи Аъзолик тўловидан бошлаб дарҳол тўланади.

- **Қурувчилар базаси ва Супер қурувчилар базаси бонуси:** Ҳар ойнинг 15-санасида тўланади, агар QVI даврида Қурувчилар базасидаги Фаоллик Янги Аъзолар сонидан ошса.

***Агар 8, 10 ва 15-саналар дам олиш кунига тўғри келса, тўловлар кейинги иш кунига амалга оширилади.**

ДАРОМАД ҚАНДАЙ ТўЛНАДИ?

inCruises ўз Ҳамкорларига inPay, Payoneer®, iPayout®, PayQuicker® ва Hyperwallet® орқали пул тўлайди.

Ҳар сафар комиссиялар ишлаб топганингизда биз пулларингизни inCruises ҳамёнингизга туширамиз ва бундан сизни хабардор этамиз.

Сўнгра сиз ўз маблағларингизни чиқариб олиш учун ҳамёнингиздаги балансни Payoneer, iPayout, PayQuicker ёки Hyperwallet ҳисобингизга ўтказишингиз мумкин.

5 РАҒБАТ

1. БЕПУЛ АЪЗОЛИК РАҒБАТИ

Агар сиз Фаол Ҳамкор Аъзо бўлсангиз ва бир ойда 5 нафар тўғридан-тўғри Аъзоларни фаоллаштириб, уларни Фаол мақомида ушлаб турсангиз, сиз ойлик Аъзолик тўловидан озод бўласиз!

Жуда тўғри! Агар 5 нафар тўғридан-тўғри Фаол Аъзоларингиз бўлса, inCruises сизни Жуда тўғри! Агар 5 нафар тўғридан-тўғри Фаол Аъзоларингиз бўлса, inCruises сизни ойлик Аъзолик тўловидан озод этади ва ҳар ой ҳисобингизни 200 (1 га 2) Бонус баллари билан тўлдиришда давом этади.

Агар сиз фақатгина Ҳамкор бўлсангиз ва Бепул Аъзолик рағбати шартларини бажарсангиз, сизга 200 (1 га 1) Бонус баллари тақдим этилади.

Ҳамкор Аъзолар ва Аъзолар учун 5 рақами муҳимдир! Унутманг, **“Бешта билан сиз озодсиз!”**

Муҳим маълумотлар:

- Бепул Аъзоликка эришган Ҳамкор Аъзолар сиз Бепул Аъзоликка эришишингиз учун зарур бўлган 5 нафар тўғридан-тўғри Фаол Аъзолар сонига кирмайди.
- Ҳисобингиз БЕПУЛ деб белгиланиши учун ойлик ҳисобингиз очилганида, сизда 5 нафар тўғридан-тўғри Фаол Аъзолар бўлиши шарт.
- Агар ҳисоб очилганида 5 нафар тўғридан-тўғри Фаол Аъзоларингиз БЎЛМАСА, сиз БЕПУЛ деб белгиланмайсиз ва ҳисобни тўлашингиз шарт бўлади. Агар даврий тўлов шаклини ўрнатмаган бўлсангиз, ҳисоб тўлангунига қадар аккаунтингиз **“Кутиш даврида”** мақомига ўтади.

- Агар биз ҳисобингизни БЕПУЛ деб белгиласак, ва 5 нафар тўғридан-тўғри Фаол Аъзоларингиздан бири маблағини қайтариб олса, ёки унинг аккаунти бекор қилинса, ўчирилса ёхуд тугатилса, сиз БЕПУЛ ҳисобга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўласиз. Тақдим этилган 200 (1 га 2) Бонус баллари ўчирилади. Такрор Фаол Аъзога айланишингиз учун сизга тўланиши лозим бўлган 100\$ ҳисоб очилади.
- Фақат Ҳамкор бўлганларга ойлик Аъзолик ҳисоби очилмайди, шу сабабли улар Бепул Аъзолик рағбати шартини ойнанг 15-санасигача бажаришлари лозим.
- Рангга эришган етакчилар (MD ва ундан юқори) [Минимал Фаоллик талабига](#) жавоб бермасалар ҳам, Бепул Аъзолик рағбатига эга бўлишлари мумкин.

2. ТЕЗКОР СТАРТ РАҒБАТИ = 500\$ MD БОНУСИ!

Сизни Marketing Director (MD) рангига имкон қадар тезроқ эришишга илҳомлантириш учун бизда Тезкор старт рағбати мавжуд бўлиб, дастлабки тўлиқ календарь ойи охиригача MD рангига эришсангиз, одатий 300\$ MD бонуси ўрнига сизга бир марталик 500\$ тўланади. Яъни сиз Ҳамкор сифатида фаоллашган ойдан кейинги ой. Ушбу 500\$ барча мавжуд бонуслардан ташқари тўланади.

Шунингдек, Тезкор старт бонусини олганингиздан кейинги календарь ойида ҳам MD рангига қолсангиз, сизнинг алайн ҳомийингизга 500\$ миқдордаги бир марталик мувофиқлик бонуси тўланади.

Marketing Director бўлишга оид батафсил маълумотлар учун ([ЖАМОАНИ ЎСТИРИНГ + РАНГЛАРГА ЭРИШИНГ = КЎПРОҚ ПУЛ ИШЛАБ ТОПИНГ](#)).

ИЗОҲ: Ой бошида Ҳамкор бўлиш сизга Тезкор старт учун афзаллик беради, яъни, сизда ўз жамоангизга Аъзолар ва Ҳамкорларни қўшиш ҳамда дастлабки фаолликдан кейинги тўлиқ календарь ойига кирувчи жорий ва келгуси аъзолик тўловларини яратиш учун қўшимча вақтингиз бўлади.

ИЗОҲ: Ушбу бир марталик бонус у ишлаб топилган ойдан кейинги ойнанг 10-санасида тўланади.

3. ЭЛИТА САЁҲАТ АФЗАЛЛИГИ

Жами бўлиб камида 3 ой (Marketing Director ва ундан юқори) ранг Жамоа етакчилиги бонусини ишлаб топсангиз, сиз круиз чакана нархини 100% (1 га 2) Бонус балларини қўллаб тўлаш ҳуқуқига эга бўласиз (50% лик чекловсиз)! Қанча вақт давомида MD ва ундан юқори рангга қолсангиз ва [Минимал Фаоллик талабига](#) жавоб берсангиз, шунча вақт давомида ушбу элита буюртма бериш афзаллигидан фойдаланиш имконига эга бўласиз.

National Director ёки ундан каттароқ рангга эришсангиз, сиз юқоридаги 100% ББ қўллаб круизга буюртма бериш афзаллигига қўшимча равишда, шунингдек (1 га 2) Бонус балларини қўллаган ҳолда чекланмаган миқдорда круизларга буюртма беришингиз мумкин!

“Элита” саёҳат афзаллиги нима?

Ҳар бир inCruises Аъзоси круиз чакана нархининг 50%ини (1 га 2) Бонус баллари билан тўлаши мумкин. Круиз нархининг қолган қисми эса ҳамёндан тўланади. Ҳар бир Аъзода атиги битта фаол круиз бўлиши мумкин.

3 маротаба етакчилик бонусларини ишлаб топсангиз, сиз круиз нархини тўлиқ Бонус балларидан фойдаланиб тўлашингиз мумкин. Ҳамёндан харажат қилишга ҳожат қолмайди!

Ва National Director ёки ундан каттароқ рангга эришсангиз, бир вақтда битта фаол круиз қоидасини четлаб, (1 га 2) Бонус балларидан фойдаланган ҳолда, чекланмаган миқдорда круизларга буюртма беришингиз мумкин.

4. БОНУС БАЛЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Янги тўғридан-тўғри Аъзоларни фаоллаштириб, сиз ҳафталик ва ойлик Аъзоларни фаоллаштириш мусобақасида Бонус баллари ютиб олишингиз мумкин.

Сиз эришган Етакчилик рангига қараб (Marketing Director, Senior Marketing Director, Regional Director ва National Director жамоалари) Ҳамкор жамоалар учун ҳам ойлик Аъзоларни фаоллаштириш мусобақаси мавжуд.

Ҳар бир тоифада 25 топ етакчи 20 дан 500 гача (1 га 1) Бонус балларини ютиб олади.

Натижаларингизни Ҳамкорлик кабинетингиз орқали жонли кузатиб боришингиз мумкин.

Ҳафталик Бонус баллари мусобақаси шартлари:

- **Қандай қатнашиш мумкин:** Бутун компаниядаги энг топ-25 Ҳамкорлар орасида бўлиш учун бир ҳафтада етарли миқдордаги Аъзоларни шахсан фаоллаштиринг.
- **Мусобақа даври:** Ҳар ҳафта душанбадан якшанбагача. Мусобақа ҳар ҳафта душанба куни соат 00:00 да (UTC Time) бошланиб, якшанба 23:59:59 гача (UTC Time) давом этади.
- **Қатнашиш учун талаб этилган ҳафталик минимал Фаоллик: 2**
- **Фаоллик:** Барча Аъзолар Фаоллиги ҳисоблаш учун мусобақа ўтказилаётган ҳафта ичида амалга оширилиши лозим.
- **Ҳал қилувчи ҳолат:** Ўша 7 кун ичида шахсан ишлаб топилган даромад.
- **Мукофот:** Ҳар душанба куни ғолиблар Бонус баллари тақдим этилгани ҳақида электрон хат оладилар.
- **Пулларни қайтариш, қоплаш ва бекор қилиш ушбу рағбатга таъсир этиши мумкин.** Агар сиз саёҳатга буюртма бериш учун Бонус балларингизни қўллашингиздан олдин сиз шахсан фаоллаштирган Аъзолардан бири ўз пулларини қайтаришни, тўловни қоплашни сўраса ёки бошқа йўл билан аккаунтини бекор қилса, сизга тақдим этилган Бонус баллари ҳисобингиздан ўчирилади.

Ойлик Бонус баллари мусобақаси шартлари:

- **Қандай қатнашиш мумкин:** Ўз тоифангиздаги топ-25 Ҳамкорлар орасида бўлиш учун жамоангиз билан биргаликда бир ойда етарли миқдордаги Аъзоларни фаоллаштиринг.

- **Мусобақа даври:** Ҳар ойнинг биринчи кунидан сўнги кунга қадар. Мусобақа ҳар ой бошида соат 00:00 да (UTC Time) бошланиб, ўша ойнинг сўнги куни 23:59:59 гача (UTC Time) давом этади.
- **Қуйидаги ранглар учун махсус мусобақа:** MD, SMD, RD ва ND
- **Қатнашиш учун жамоадан талаб этилган минимал Аъзо Фаоллиги:** 5
- **Қатнашиш учун шахсан сиздан талаб этилган минимал Аъзо Фаоллиги:** 2
- **Ҳал қилувчи ҳолат:** Ўша ойда шахсан ишлаб топилган даромад.
- **Мукофот:** Ҳар ойнинг 5 санасида ғолиблар Бонус баллари тақдим этилгани/ишлаб топганлари ҳақида электрон хат оладилар.
- **Пулларни қайтариш, қоплаш ва бекор қилиш ушбу рағбатга таъсир этиши мумкин.** Агар сиз саёҳатга буюртма бериш учун Бонус балларингизни қўллашингиздан олдин сиз шахсан фаоллаштирган Аъзолардан бири ўз пулларини қайтаришни, тўловни қоплашни сўраса ёки бошқа йўл билан аккаунтини бекор қилса, сизга тақдим этилган Бонус баллари ҳисобингиздан ўчирилади.

***Батафсил маълумот учун PDF-форматдаги Ҳафталик/Ойлик рағбатларга қаранг:** [Ҳафталик Ойлик Бонус баллари](#)

5. ГЛОБАЛ ЕТАКЧИЛИК САММИТИ

inCruises Ҳамкори сифатида сизда доимо саёҳат қилиш ва олам тақдим этиши мумкин бўлган барча гўзалликларни кўриш имконияти мавжуд.

Энг талабгор имкониятлардан бири – Глобал Етакчилар Саммити танловидир. Ҳамкорлар ўз бизнесларини ривожлантириш учун баллар тўплайдилар. Танлов даврида энг кўп балл тўплаганлар 5 юлдузли муҳташам меҳмонхоналарда дам олиш учун икки кишилик таътил ютиб оладилар! Ғолиблар ушбу таътилда inCruises раҳбарияти ва дунё бўйлаб бошқа топ етакчилар билан биргаликда дам оладилар.

Ҳар бир мусобақанинг ўзига хос шартлари мавжуд. Агар кейинги Глобал Етакчилар Саммитида иштирок этишни истасангиз, қатнашиш шартлари ҳақида Ҳамкорлик кабинетингиздаги **“Маълумотлар ва Ҳаракатлар”** бўлимида танишинг.

МУҲИМ МАЪЛУМОТ

Ушбу тақдимотдаги даромад лойиҳаси тахминий бўлиб, келгуси даромадингизни кафолатламайди. Биз Сиз эришишингиз мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган тахминий ҳисоб-китоблардан фойдаландик. Сизнинг амалдаги даромадингиз, агар шундайи мавжуд бўлса, кенг омиллардан, жумладан, сиз inCruises`га бевосита ёки билвосита таклиф этган Аъзолар сони, улар Аъзо сифатида қанча вақт қолишлари, inCruises белгилаган компенсация, маблағларни қайтариш ва бошқа кўплаб омиллардан келиб чиқиб, фарқланиши мумкин.

Ушбу маълумот °сизга inCruises Компенсация дастури қандай ишлашини кўрсатиш учунгина тақдим этилди. inCruises мустақил Ҳамкори сифатидаги муваффақиятингиз фақатгина омадли сотувларга ҳамда шижоат, малака ва етакчиликни талаб этувчи жамоа қуриш маҳоратингизга боғлиқ.

Даромадга оид жорий маълумотлар бу ерда: <https://www.incruises.com/disclosure>

Сизнинг муваффақиятингиз ушбу сифатларни қанчалик зўр намоён эта олишингизга боғлиқ. Аксарият Ҳамкорлар даромад иллюстрациясида кўрсатилган даромадларга эриша олмайди.

inCruises International LLC Калифорния, Флорида ва Вашингтонда, ҳар бир штатнинг саёҳат сотишга оид меъёрий ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган. Калифорнияда рўйхатга олинган рақами: 2146142-50, Флоридада рўйхатга олинган рақами: ST-42861, Вашингтонда рўйхатга олинган рақами: 604762223. Калифорнияда саёҳат сотувчи сифатида рўйхатдан ўтиш штат талаби ҳисобланмайди.